



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУК директори в.в.б
[Signature]
Б.Балтабаев

2022 йил “16” ноябрь

Нукус шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрь кунги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-408 сонли қарорига асос Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасидаги ички йўллари тўла ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун лойиҳачи ташкилотларнинг таклифларини танлаб олиш бўйича ўтказилган харид комиссиясининг **595-сонли йиғилиш**

БАЁННОМАСИ

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУКнинг 2022 йил 01 мартдаги 16–сонли буйруғи асосида тасдиқланган харид комиссия аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Харид комиссияси раиси:

Б.Балтабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУК директори в.в.б;

Харид комиссияси аъзолари:

Р.Саркытбаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” директор ўринбосари;

Т.Жанабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУК Лойиҳа таъминоти бўлими бошлиғи;

А.Нуржанов

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош ҳисобчиси;

Дж.Хожабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бошлиғи;

Комиссия котиби;

И.Мамбетов

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бошлиғи

Кун тартибида

I. Кун тартибидаги масала юзасидан - Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУКнинг директори в.в.б- комиссия раиси Б.Балтабаев Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги Давлат харидлар тўғрисидаги 684-сонли Қонунинг 58 моддасига асосан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган

санадан камида беш иш куни Тургўл тумани "Истиклол" МФЙ ҳудудидаги "Бердак, Тулпор, Уллибог, Куклом, Ифтихор, Янгибозор" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета ҳужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш махсус ахборот портали орқали 22110012179841 лот билан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилди. Ушбу Қонун талабларига биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда жорий, тўла таъмирланиши ва қуриш режалаштирилган ички йул ва кўприклардаги объектларининг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари учун бажарувчи ташкилотларининг энг яхши таклифларини белгиланган тартибда танланди ва **бошқа ҳеш қандай шикоят келиб тушмади.**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлар тўғрисидаги Қонун ва юқорида кўрсатилган маълумотларди ҳисобга олиб Харид комиссияси





Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг режалаштирилган объектларининг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари учун танлаш ҳужжатларида ва танлаш шартлари буйича энг яхши таклифни тақдим қилган **"Йул лойиха Нукус" МЧЖ** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.


2. Танлаш орқали ғолиб булган ташкилот танлаш шартлари асосида шартнома тузишни рад этган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи таклифи бўйича энг яхши бўлган кейинги иштирокчига (резерв) берилади.

3 Белгилаб кўйилсинки, энг яхши таклифлар танлаш ғолиби бўлган ташкилотлар ўз таклифларида кўрсатилган нархларда объектларнинг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомаларихужжатларини сифатли тартибда таёрланишига масъул бўлган холда объектларни бошланғич нархларини жорий нархларда шакллантириш вазифаси ғолиб зиммасига юклатилсин. Танлаш ўтказиш бўйича талабгорлар энг яхши таклифларини кўриб чиқиш ҳақидаги йиғилиш баёни давлат хариди комиссияси аъзолари томонидан очиқ ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Хариди комиссияси аъзолари:


_____ Р.Саркытбаев

_____ Т.Жанабаев

_____ А.Нуржанов

_____ Дж.Хожабаев

Комиссия котиби;


_____ И.Мамбетов

Лойиха-смета ишларини бажариш учун

№186-сонли ШАРТНОМА

Нукус ш.

16 11 2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи "Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи в.в.б директор Б.Балтабаев ва бундан буён "Бажарувчи" деб юритиладиган "YO'L LOYIHA NUKUS" МЧЖ номидан устав асосида иш кўрадиган директори П.Дуйсенов орқали куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса Турткўл тумани "Истиклол" МФЙ ҳудудидаги "Бердак, Тулпор, Уллибоғ, Куклом, Ифтихор, Янгибозор" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета ҳужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиха-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС билан 5 570 000 (Беш миллион беш юз етмиш минг) сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралик далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни таркатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.



4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпоғисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хулосаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хулосасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва jisмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан холларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечиктирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниқлаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

Қорақалпоғистон Республикаси

“Минтақавий йўлларга

буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй

ш/х: 301821860354017045203118088

ИНН 207255036 ОКЭД:71120

Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с казн: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

ИНН 201122919

Бажарувчи

“YO'L LOYIHA NUKUS” масъулияти
чекланган жамияти

Манзил: Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси,
129 а уй

Тел: 91 389-89-99

Ҳ/р: 20208000905163546001


Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)


МФО: 00623 ИНН: 307 032 421

ОКЭД: 42110

В.в.Б. Директор  Б.Балтабаев



Директор  П.Дуйсенов



Ҳурият  У.Жалилова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар: Туртқул тумани "Истиклол" МФЙ ҳудудидаги "Бердак, Тулпор, Уллибоғ, Куклом, Ифтихор, Янгибозор" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таерлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича 2022 йил "16" "11" - даги №186-сонли шартнома баҳоси **ҚҚС билан 5 570 000 (Беш миллион беш юз етмиш минг) сўмни** ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Буюртмачи

Қорақалпоғистон Республикаси
"Минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати" ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 301821860354017045203118088
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН 201122919

Бажарувчи

"YO'L LOYIHA NUKUS" масъулияти
чекланган жамияти

Манзил: Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси,
129 а уй
Тел: 91 389-89-99
Х/р: 20208000905163546001
Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)
МФО: 00623 ИНН: 307 032 421
ОКЭД: 42110

В.в.о директор  Б.Балтабаев


Директор  П.Дуйсенов


Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

- I. **Иш тури:** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш.
- II. **Буюртмачи:** “Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК.
- III. **Бажарувчи:** “YO'L LOYIHA NUKUS” МЧЖ.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиха куввати, км/пм	ҚМИ минг.сум	ЛСХ минг.сум	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Турткўл тумани "Истиклол" МФЙ ҳудудидаги "Бердак, Тулпор, Уллибоғ, Куклом, Ифтихор, Янгибозор" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш.			5 570 000	10 кун
	ЖАМИ			5 570 000	

Қайднома бўйича жами: **ҚҚС билан 5 570 000 (Беш миллион беш юз етмиш минг) сўм.**

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:




2022 йил 10 11 №186-сонли шартномага 3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	2022 йил
1	2	3	4	5	6
	Аванс тўлови 30%			1 671 000	
1	Турткўл тумани "Истиклол" МФЙ ҳудудидаги "Бердак, Тулпор, Уллибоғ, Куклом, Ифтихор, Янгибозор" кучаларини жорий таъмирлаш ишларининг проект смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш.	5 570 000	2022 й	3 899 000	Ноябрь
	ЖАМИ	5 570 000		5 570 000	



Бажарувчи

